

ЭВФЕМИЗМ – МИЛЛИЙ-МЕНТАЛ ХОСЛИКНИ НАМО- ЁН ЭТУВЧИ ТИЛ БИРЛИГИ СИФАТИДА

DOI: 10.53885/edinres.2021.12.88.009

Г. К. Сафарова

А.Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти уни-
верситети “Амалий тилшунослик ва лингводидактика”
кафедраси ўқитувчиси

***Аннотация.** Мақолада тилнинг социал хусусиятларидан бири бўлган тил бирликларининг эвфемик қўлланиши, эвфемик ҳодисалар, улар ўртасидаги тил ва маданият муштараклиги хусусида сўз бо-
ради. Лисоний бирликларни контекст, нутқ вазияти билан боғлаб ўрганишигина уларнинг маъносини тўғри тушунишига тўлиқ имконият яратилиши, бу эса социолингвистик билимларнинг заруратини белгилаши таъкидланади. Эвфемизмлардаги маданий ўхшашликлар уларга юклан-
ган вазифаларнинг бир хиллигидан келиб чиқиши қайд этилади. Нутқда эвфемизмлардан фойдаланиши кўп ҳолларда муайян жамиятда белги-
ланган қадриятлар, этикет нормалари ва ижтимоий маданий нутқий меъёрларга боғлиқ бўлиши ҳақида хулоса берилади.*

***Калит сўзлар:** социолингвистик тадқиқот, миллий ментал омил-
лар, социопрагматик тадқиқот, этнолингвистика, этнопсихология,
когнитив психология, психолингвистика, социолингвистика ва социал
лингвистика.*

ЭВФЕМИЗМ КАК ЕДИНИЦА ЯЗЫКА, ПРОЯВЛЯЮЩАЯ НАЦИОНАЛЬНО-МЕНТАЛЬНОЕ СВОЕОБРАЗИЕ

Г. К.Сафарова

Ташкентский государственный университет имени А. Навои Уни-
верситет узбекского языка и литературы преподаватель кафедры «При-
кладная лингвистика и лингвистика»

***Аннотация.** В статье говорится об эвфемическом применении
языковых единиц, которые являются одной из социальных особен-
ностей языка, эвфемических явлений, общности языка и культуры между
ними. Отмечается, что изучение связи языковых единиц с контекстом,
ситуацией речи только дает полную возможность правильно понять
их значение, что определяет необходимость социолингвистических
знаний. Отмечается, что культурное сходство эвфемизмов происте-
кает из единообразия поставленных перед ними задач. Делается вывод
о том, что употребление эвфемизмов в речи часто зависит от ценно-
стей, сложившихся в том или ином обществе, норм этикета и социо-
культурных речевых норм.*

***Ключевые слова:** социолингвистические исследования, Националь-
ные ментальные факторы, социопрагматические исследования, этно-
лингвистика, этнопсихология, когнитивная психология*

EUPHEMISM AS A UNIT OF LANGUAGE THAT SHOWS NATIONAL AND MENTAL ORIGINALITY

G. K. Safarova

A. Tashkent State University named after Navoi
University of Uzbek Language and Literature
Lecturer of the Department of «Applied Linguistics and Linguistics»

Abstract. *The article deals with the euphemic use of language units, which are one of the social features of the language, euphemic phenomena, the commonality of language and culture between them. It is noted that the study of the connection of language units with the context, the situation of speech only gives a full opportunity to correctly understand their meaning, which determines the need for sociolinguistic knowledge. It is noted that the cultural similarity of euphemisms stems from the uniformity of the tasks assigned to them. It is concluded that the use of euphemisms in speech often depends on the values that have developed in a particular society, the norms of etiquette and socio-cultural speech norms.*

Keywords: *sociolinguistic studies, National mental factors, sociopragmatic studies, ethnolinguistics, ethnopsychology, cognitive psychology, psycholinguistics, sociolinguistics and social linguistics*

Ҳозирги глобаллашув жараёнида фан ва таълим интеграцияси, фанлараро алоқалар, улар орасидаги чегара анча нисбий характер касб этмоқда. Бинобарин, барча илмий йўналишлар қаторида тилшуносликда ҳам "...илмий ва ижодий изланишларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун зарур шарт-шароитлар яратиш вазифа" сининг белгиланиши фанлар интеграцияси бўйича чуқур изланишлар олиб бориш лозимлигини кўрсатади. Мамлакатимизда давлат тилига эътибор устувор йўналишлардан бири даражасига кўтарилди. Шу боисдан она тилимизни асраб-авайлаш, бойитиш, ундан амалий фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан бирга, давлат тилининг мавқейини янада ошириш, дунё тилшунослигида лисоний имкониятлардан амалий фойдаланишга, тил бирликларининг нутқда қўлланиши ва маъно-вазифа хусусиятларини очиб беришга алоҳида эътибор қаратилаётганлигининг ўзиёқ бу муаммонинг заруратини кўрсатиб турибди. Тил соҳасини ўрганишнинг социологик томонини тадқиқ қилиш жиҳати тилшунос олимларда анчадан буён қизиқиш уйғотиб келмоқда. Зеро, тил тараққиёти, ундаги ўзгаришлар жамият тараққиёти билан бевосита алоқадордир. XX аср бошларигача мавжуд бўлган илмий манбааларда, тилшуносликнинг бошқа фанлар билан алоқадорлигида социолингвистикага тегишли тушунчалар баён этилган. Тилшунослик атамалари луғатида таъкидланишича: "Социолингвистика (лот. soci(etas)–жамият+лингвистика) тилшуносликнинг тилни ижтимоий яшаши ва ижтимоий тараққиёт шароитларини ўрганувчи соҳаси. Социология ва лингвистиканинг синтезидан иборат бўлган бу соҳа тил билан ижтимоий ҳаёт фактлари



алоқаси; нолисоний омиллар таъсирида тил тараққиётидаги фаол жараёнлар; радио, телевидение, кино кабиларнинг кенг тарқалиши билан тилнинг оғзаки ва ёзма шакли ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши, тил сиёсатини юритишнинг вазифа ва шакллари; кенг халқ оммасининг нутқ маданиятини кўтариш каби муаммолар билан шуғулланади. Илмий адабиётлар таҳлилига кўра социолингвистик компетенция, ижтимоий-маданий компетенцияни ўз ичига олиб, аутентик нутқнинг миллий хусусиятларини: ўзи яшаётган мамлакатнинг урф-одатлари, қадриятлари, маросимлари ва бошқа миллий-маданий хусусиятларини билиш ҳамда тили ўрганилаётган мамлакат билан таққослаган ҳолда тақдим эта олиш қобилиятини назарда тутати. Яъни, мос коммуникатив вазиятда дискурс танлай олиш; юзага келган муаммонинг моҳиятини тушунтири олиш ва мижозга зарурият туғилганда розилик борасидаги хизматни тақдим қилувчи шахсга тушунтири билиш; тил шаклларини танлай билиш ва уларни нутқий мавзу бўйича коммуникатив вазиятлар доирасида касбий матнга мувофиқ тарзда қўллаш ва ўзгартири олиш; тил эгаларида ҳайратланиш ёки аччиқланишни уйғотмайдиган, улар учун табиий, одатий саналган муомалада мулоқот қила олиш кабиларларни ўзида мужассам этади. Юқорида таъкидланганидек, социология ва тилшунослик соҳаларининг туташ нуктасида пайдо бўлган ва тадқиқ этиладиган социолингвистика тараққиёти соҳаларнинг қай даражада ўрганилганлигига боғлиқ, албатта. Илмий манбаларда социолингвистик коммуникация шакллари қуйидагича тасниф этилади: таълим жараёнида, оила муҳитида; ижтимоий гуруҳлар ичида; турар жойларда, вақтинчалик жамоа ичида; таълим муассасалари ичида, ишлаб чиқариш жамоаси ичида; кенг халқ оммаси, жамоатчилик ичида; миллатлараро, этник гуруҳлараро; халқаро яъни умуминсоният ичида; ёш тоифаларига кўра фуқаролараро; шахслараро; кундалик маиший ҳаётда. Тилнинг ўзига хос хусусиятларидан бири тил бирликларининг эвфемик қўлланишидир. Эвфемик ҳодисалар ўзида тил ва маданият муштарақлигини акс эттиради. Улар халқларнинг миллий-маданий хусусиятлари пайдо бўлиши ва ўсиши билан узвий боғлиқдир. Тилшунослик соҳасида эвфемизм ҳодисаси кенг тадқиқ қилинган. Бу борадаги ишлар сирасига Л.А.Булаховский, А.А.Реформатский, Б.А.Ларин эвфемизмни тарихий нуқтаи назардан қадимий табу асосида ўрганган. Рус тилида эвфемизмлашувнинг восита ва мақсадларини тасвирлаш билан Л.П.Крисин, В.П.Москвин, В.З.Санников, Е.П.Сеничкина шуғулланган. А.М.Кацев, Н.Ц.Босчаева, Н.Л.Саакаян, Ю.С.Баскова ва Е.О.Милоенко диссертацияларида инглиз ва рус тилларидаги эвфемизмларнинг хусусиятлари, Г.А.Вильданованинг «Эвфемия и принцип вежливости в современном английском языке: гендерный аспект» номли диссертациясида инглиз тили эвфемизмларининг гендер жиҳатлари атрофида ёритилган. Н.Баскаков эса олтой халқлари тилларидаги эвфемистик номинацияларнинг муаммоларини очиқ берган. Ўзбек тилшунослигида Н.Исматуллаев ва А.Омонтурдиевнинг илмий ишларида эвфемизм ҳодисаси, уларнинг услубий хусусиятлари, чорвадор нутқида

қўлланувчи эвфемизмларнинг лингвистик ўзига хосликлари махсус тадқиқ қилинган. А.Омонтурдиев эвфемизмни услубшуносликнинг тадқиқот объекти сифатида кенг доирада ўрганиб, «Ўзбек нутқининг эвфемик асослари», «Профессионал нутқ эвфемикаси» номли монографияларида, «Бир сўз луғати», «Сўз қўллаш санъати», «Ўзбек тилининг қисқача эвфемик луғати» каби ишларида ўзбек нутқининг эвфемик асосларини тадқиқ қилади⁸. А.Маматов, Л.Раупова, З.Холманова, Х.Қодирова ва Д.Рустамоваларнинг илмий ишларида эса фразеологизмларнинг шаклланишига эвфемик ва дисфемик birlikларнинг таъсири, эвфемизмларнинг гендер хусусиятлари, «Бобурнома» асарида қўлланган эвфемизмлар, муаллифлик эвфемизмлари ҳамда эвфемизмларнинг метафорик хусусиятлари таҳлил этилган. Шунингдек, мавзуга алоқадор қўлланмаларнинг нутқ услубиятига бағишланган ўринларида эвфемизм ҳодисаси изоҳланган. «Нутқ маданияти ва услубият асослари» дарслигида ва 1983 йилда нашр этилган «Ўзбек тили стилистикаси» ўқув қўлланмаси да эвфемизм ҳамда кокофемизм (дисфемизм) хусусида айрим умумий маълумот берилган эди. Эвфемик birlikларни ўрганиш, уларни тасниф этган мутахассисларнинг ишлари билан танишиш аспектида таснифларнинг салмоқлиси мавзуй тасниф эканлиги кўрилади. Хусусан, Р.Холдер томонидан қилинган тасниф эътиборга молик. У лексик-семантик жиҳатдан эвфемизмларни 60 та кичик синфга ажратади. Бу тасниф эвфемизмларнинг денотатив мазмунни хилма-хиллигидан далolat беради. Бундан ташқари, А.М.Кацев эвфемизмларни 10 та мавзувий гуруҳга ажратади. Унда яна эвфемик воситанинг онтологик характерида кўра таснифи ҳам мавжуд. Ижтимоий тасниф эвфемизмлар моҳиятини очишда ўзига хос ўрин тутаяди. У сўзнинг маълум ижтимоий гуруҳга тегишлилиги асосида амалга оширилади. Жумладан, Б.А.Ларин таснифини келтириш мумкин. Айрим тадқиқотчилар томонидан эвфемизмларнинг лингвистик таснифи ҳам амалга оширилган. Ўзбек тилшуносларидан Н.Исматуллаев эвфемизмларни 5 йirik гуруҳга ажратади. Булар – табу билан боғлиқ эвфемизмлар, бидъат, ирим қилиш билан боғлиқ эвфемизмлар, маъноси кўпол, айтиш ноқулай бўлган сўз ва иборалар ўрнида қўлланадиган эвфемизмлар, кўтаринкилик ва диний мақсадлар учун қўлланадиган жаргон эвфемизмлар, стилистик эвфемизмлардир. Бундай гуруҳларга ажратилган ифодалар таснифи эса А.Омонтурдиев томонидан тадқиқ қилинган илмий ишда ўз аксини топган. Дисфемизмлар таснифи тилшунослик соҳасида санокли тадқиқот ишларидагина амалга оширилган. Масалан, инглиз тилида дисфемизм лексик-семантик жиҳатдан қуйидагича тасниф қилинади: ўлим, касаллик, жисмоний ва маънавий нуқсонларни билдириб келувчи дисфемизмлар; кенг доирадаги жиноий гуруҳлар билан боғлиқ дисфемизмлар; инсон нуқсонлари билан боғлиқ дисфемизмлар; миллатга мансуб дисфемик номлар; худо, иблис (шайтон), черков маросимлари билан боғлиқ дисфемизмлар. Турли халқлар эвфемизмларидаги маданий ўхшашликлар уларга юкланган вазифаларнинг бир хиллигидан келиб чиқади. Эвфемизмлар-



ни вазифаларига кўра: табу – тақик ифодаловчи эвфемизмлар ва хушму-омалалик ифодаловчи эвфемизмларга ажратиш мумкин. Мавжуд сўзга эвфемистик маъно юкланар экан, бу маъно сўзнинг

қўлланмай қолган маъноси бўлади. Яъни у лексик сатҳга мансуб ҳисобланади. Уни асосан табу билан боғлайдилар. Табуга учраган сўз ёки ибора ўрнида тўғридан-тўғри эвфемизм қўлланади, яъни муайян сўзга табуга учраган луғавий бирликнинг маъноси юкланади, у эвфемистик маъно бўлиб қолади. “Ибтидой жамоа тузуми даврида ижтимоий ишлаб чиқариш даражаси паст бўлгани сабабли, кишиларда илмий ва маданий билимлар етишмаган. Шунинг учун ҳам улар турли ирим-сиримларга ишонишган, тўғридан-тўғри Худодан ёки руҳлардан сўраш бахтсизлик келтиради, деб ўйлашган. Натижада Худо ва руҳларнинг исми табуга айланган ва улар бошқа ном билан атала бошланган. Масалан, Ғарб мамлакатларида насронийлик ривожланган даврларда Худонинг “Иегова” исми энг катта табу ҳисоблангани учун унинг ўрнига “Қудратли”, “Яратувчи”, “Қутқарувчи”, “Бизнинг Отамиз” каби эвфемизмлар қўлланилган. Ёки қадимги Хитойда императорларнинг исми билан аташ тақикланган. Эвфемизм филология соҳасининг муҳим қисми бўлиб, нутқда эвфемизмлардан моҳирона фойдалана билиш нутқ қобилятига эга бўлишнинг асосий белгисидир. Шунинг учун эвфемизмларни ўрганишга катта эътибор қаратилади. Бинобарин эвфемизмлар юзасидан олиб борилган филологик тадқиқотларда қатор ютуқларга эришилган. Лекин шунга қарамай эвфемизмлар тилнинг мураккаб ҳодисасидир. “Энг аввало, эвфемизмлар бу тил ва нутқдаги универсал ҳодисадир. Тарих нуктаи назардан қараганда, эвфемизмлар инсоният цивилизациясининг бошланғич даврларида пайдо булган, шунинг учун уни узоқ ўтмишга эга деб айтиш мумкин”. Жаҳон тилшунослигида эвфемизмларнинг социолингвистик аспекти М.Бауман, Б.Купер, Ж.Хьюз, Х.Росон, Ф.Беквит; рус тилшунослигида С.Г.Тер-Минасова, В.И.Жельвис, А.А.Реформатский, Л.Г.Лузина, Л.П.Крисинлар томонидан тадқиқ этилган. Эвфемизм – миллий-ментал хосликни намоён этувчи тил бирлиги. Тилларнинг эвфемизм фаол ҳосил қилинадиган лексик-семантик майдонларини қиёслаш табу тизимидаги фарқни, одоб ва одобсизлик ҳақидаги тасавурларни, миллатнинг лисоний манзарасида лингвокультурологик хосликни кўрсатади. Ҳар бир тил ўзига хос ифода тарзига эга. Ўзбек тилида эвфемалашувни талаб қилган тил бирлиги бошқа тилда, айтишлик, рус тилида бундай ифодага эҳтиёж сезмаслиги мумкин. Ўзбек тилида миллий ўзига хосликни акс эттирувчи бирликлар орасида шундай бирликлар борки, ҳатто таржима луғатларида ҳам муқобилини топиб бўлмайди. Улар лингвокультурологик аҳамиятга эгаллиги билан ажралиб туради. Нутқий ҳосилаларда дунёга келтирмоқ ибора-эвфема вариантнинг туғмоқ ўрнида қўлланиши, бўйида бўлмоқ ибора-эвфема кўриниши ҳомиладор бўлмоқ сўзини алмаштириши, воёга етмоқ ўрнида етилмоқ сўзининг ишлатилиши ўзбек тили лингвомаданий табиатини намоён этади. Зеро, ўзбек жамиятига хос маданият ва одоб-ахлоқ меъёрлари эвфемик маъно орқали, қандай шаклланган

(сўз ёки бирикма) бўлишига қарамай, рўёбга чиққан. Хулоса қилиб айтганда, нутқда эвфемизмлардан фойдаланиш кўп ҳолларда муайян жамиятда белгиланган қадриятлар, этикет нормалари ва ижтимоий маданий нутқий меъёрларга боғлиқ бўлади. Эвфемизмлар келиб чиқиши жихатидан узоқ тарихга эга бўлган лисоний ва ижтимоий-маданий ҳодисадир. Эвфемизмларни ўрганиш маданиятлараро мулоқот жараёнида юзага келадиган қийинчиликларни, тушунмовчиликларни барта- раф этиб, мулоқотнинг муваффақиятли ва самарали бўлишини таъмин- лайди.

Фойдаланилаган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Пре- зиденти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б.13.

2. Ларин Б.А. Об эвфемизмах // Учен. зап. Ленингр. ун-та, № 301: Сер. филол. наук: Вып.№ 60 – Л.: ЛГУ, 1961. – С. 110-124.

3. Крысин Л.П. Эвфемизмы в современной русской речи // www/Philology.ru; Москвин В.П. Эвфемизмы в лексической системе совре- менного русского языка // Василий Павлович Москвин. 2е изд. – М.: Ленинград, 2007. – 264 с.; Сенчикова, Е.П. Эвфемизмы русского языка. – Москва: Высшая школа, 2006. – 151 с.

4. Кацев А.М. Эвфемизмы в современном английском языке. – Ле- нинград: Наука, 1977. – 65 с. // Босчаева Н.Ц. Контекстуальная эвфемия в современном английском языке. – Ленинград: Наука, Ленинградское отд., 1989. – 130 с.

5. Вильданова Г.А. Эвфемия и принцип вежливости в современном английском языке: гендерный аспект. – Москва-Берлин: Директ-Медиа, 2015. –162 с.

6. Баскаков Н.А. Пережитки табу и тотемизма в языках народов Ал- тая // Советская тюркология. – Баку. 1975. № 2. – С. 3–7.

7. Исматуллаев Н. Эвфемизмы в современном узбекском языке: ав- тореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1963. – 24 с. // Омонтурди- ев А. Эвфемик воситаларнинг функционал-услугий

8. Маматов А. Ўзбек тили фразеологияси шаклланиши масалалари: филол. фанлари д-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – 56 б.

9. Қўнгулов Р., Бегматов Э., Тожиев Э. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 160 б.; Содиков А., Абдуазизов А., Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. –Т.: Ўқитувчи, 1981. – 266 б.; Mirtojiev M. O‘zbek tili semasiologiyasi. – Toshkent: Mumtoz so‘z, 2010. – 127 б.